

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04
РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВ ШУХРАТ КУРВОНДУРДИЕВИЧ

БАҚЛАЖОННИ (*Solanum melongena* L.) ТУРЛИ УСУЛЛАРДА
ҚУРИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

06.01.11 – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Table of contents of the abstract of a Doctor of Philosophy (PhD)
dissertation in agricultural sciences**

Ахмедов Шухрат Курвондурдиевич Бақлажонни (<i>Solanum melongena</i> L.) турли усулларда қуритиш технологиясини такомиллаштириш.....	3
Ахмедов Шухрат Курвондурдиевич Совершенствование технологии сушки баклажанов (<i>Solanum melongena</i> L.) разными способами.....	19
Axmedov Shuxrat Kurvondurdiyevich Improving the technology of drying eggplant (<i>Solanum melongena</i> L.) using various methods.....	35
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	39

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВ ШУХРАТ КУРВОНДУРДИЕВИЧ

БАҚЛАЖОННИ (*Solanum melongena* L.) ТУРЛИ УСУЛЛАРДА
ҚУРИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

06.01.11 – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Qx763 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетинда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.idau.uz) ва «Ziyouet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Исломов Соҳиб Яхшибекович, кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Муминов Нажмиддин Шамсиддинович, техника фанлари доктори, профессор Усмонова Камола Абдужаббаровна, кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори
Етакчи ташкилот:	Бухоро давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 13 май соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тел.: (+99871) 260-48-00, факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tdag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети маъмурий биноси, 1-қavat, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (552728-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси, Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2025 йил 28 апрел куни тарқатилди.
(2025 йил 8 апрелдаги 14-рақамли реестр баённомаси).



Ш.Асатов
Ш.Асатов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

М.З. Холмуратов
М.З. Холмуратов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.ф.д., доцент

С.А. Юнусов
С.А. Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда сабзавот экинлари турларидан бақлажон маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, қуриштириш ва экспорт қилиш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хитой, Ҳиндистон Япония ва кўплаб Ўрта ер денгизи атрофидаги мамлакатларда катта ҳажмда бақлажон маҳсулотлари етиштирилади. “ФАО маълумотларида қайд этилишича, бақлажон Осиё минтақасида муҳим сабзавот тури ҳисобланиб, у глобал ишлаб чиқаришнинг 86% дан ортигини ташкил этади. Африка ва Европа давлатлари бу кўрсаткич бўйича деярли тенг улушларга эга, уларнинг ҳар бири глобал таъминотнинг тахминан 6% ни ташкил этади”¹. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Хитой бақлажон етиштиришда етакчи бўлиб, дунёда бақлажон етиштириш улушининг тахминан 60 фоизини ташкил этади. Бақлажон асосан озиқ-овқат мақсадида етиштирилиб, унга бўлган эҳтиёж юқори ҳисобланади.

Сўнги йилларда бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлигига катта эътибор қаратилмоқда. Сабзавот турлари ассортиментини кенгайтириш, ҳосилдорликни ошириш, маҳсулотларни сифатли қуриштиришга ва қадоқлашга аҳамият берилмоқда. Сабзавот турлари орасида бақлажон ўз ўрнига эга бўлиб, унга дунёнинг кўплаб мамлакатларида қизиқиш юқори. Шу сабабли ушбу сабзавот турининг юқори ҳосилдор, қуриштирилган ва қайта ишланганда ҳам таркибидаги витамин ва минерал моддаларни ўзида сақлаб қоладиган нав ва дурагайлари яратиш, қуриштиришнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳозирда дунёда бақлажонни қуриштириш, қуриштирилган маҳсулотларга товар ишлов бериш, сабзавотларни қуриштиришда табиий ва сунъий қуриштириш усуллари кенг фойдаланиш, қуриштиришнинг инновацион усуллари ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий изланишлар ва тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикада сўнги йилларда аҳоли турмуш даражасини ошириш, соғлом овқатланишни тизимли йўлга қўйиш, аҳолининг қуриштирилган сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини тўла-тўқис қондириш билан бир қаторда, сабзавот маҳсулотлари экспорти салоҳиятини янада оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг миллий иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашга бағишланган 3.30-бандида «Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5% га етказиш»² масалалари алоҳида белгилаб қўйилган. Ушбу қимматли сабзавот турини республикада тупроқ-иқлим шароитида етиштириш ва сифатли товарбоп ҳолатда қуриштириш, қадоқлаш ҳамда экспорт

¹ <http://fao.org>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПҚ 4575 сон- Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг “2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси

салоҳиятини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар долзарб аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 октябрдаги 587-сон «2022-2023 йилларнинг қиш-баҳор мавсумида аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасаларининг асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бақлажон етиштириш, унинг агробиологик ва агротехнологик хусусиятлари, сабзаётларни қуритиш усуллари ва технологияси бўйича сўнгги йилларда хорижий мамлакатларда M.Akta, Chuting Gong, G.S.Raghavan, K.Witinantakit, L.Ricardo, Kosuke, Nagaya, M.R. Islamand Ю.И. Авдеев, И.Ю. Алексанян, З.А. Букин, С.Б. Бодня, А.М. Бессарабов, В.Д. Демьянов, В.В. Киян, Е.А. Лукьяненко, Т.Г. Шабунина, Е.В. Шенцева ва бошқалар, Ўзбекистонда ушбу сабзаёт экин турларини етиштириш ва қуритиш технологияси бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган олимлардан Азимов В.Ж, М.Якубов А.Ж.Шокиров ва бошқа тадқиқотчилар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Муаллифлар томонидан бақлажонни турли муддатларда экиш ва парваришlash, мевларини турли усулларда қуритиш бўйича тадқиқотлар натижалари асосида илмий янгиликларга эришилган. Хусусан, бақлажонни турли усулларда инновацион қуритишнинг техник шартлари ва талаблари ҳамда давлат стандартлари ишлаб чиқилиб, тавсиялар берилган.

Бироқ, республикамизда бақлажонни сифатли қуритиш, қадоқлаш бўйича илмий-тадқиқот ишларининг ҳажмини ошириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки бақлажоннинг экспорт учун қуритилаётган аксарият навлари хорижий селекцияга мансуб бўлиб, уни республикамиз тупроқ-иқлими шароитида етиштириш технологияларининг самарали элементларини ишлаб чиқиш ва сифатли, товарбоп кўринишга эга қуритиш технологияларини такомиллаштириш етарлича ўрганилмаган.

Ушбу диссертация тадқиқотига кўра, бақлажоннинг турли навларини қуритиш технологиясининг муҳим элементларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ундаги қўйилган асосий вазифалар ички бозор ва экспортга йўналтирилган сабзаётчилик объекти бўлган бақлажонни қуритишда юзага келадиган бир қатор муаммоли масалалар ечимини беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим

муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш кафедрасининг №13-1 рақамли “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қуритиш ва дастлабки қайта ишлашда ресурс тежамкор, замонавий технологиялардан фойдаланишни илмий асослаш ва тавсиялар ишлаб чиқиш” мавзуси асосида бажарилган (2022-2025 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади: Бақлажонни турли нав ва дурагайлари хомашёсини табиий шароитда турли усулларда қуритиш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бақлажонни турли хил навларини қуритиш ускунасида қуритилганда тайёр маҳсулот чиқиш миқдорини аниқлаш;

табиий шароитда ва қуритиш ускунасида қуритилган турли хил шаклдаги бақлажон маҳсулотларини органолептик баҳолаш;

қуритиш учун тайёрланган бақлажон бўлақларига турли концентрацияли $K_2S_2O_5$ калий метан-бисульфит эритмаси билан ишлов беришнинг тайёр маҳсулот сифатига таъсирини аниқлаш;

турли шаклларда қуритилган бақлажон маҳсулотларини таркибидаги қолдиқ намлик миқдорини аниқлаш;

бақлажон қуритишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритилган бақлажоннинг “Аврора”, “Сурхон гўзали”, “Анет F₁”, “Замин F₁”, “Пантера F₁”, “Барселона F₁” нав ва дурагайлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети бақлажон навларини сифатли қуритишда бирламчи ишлов бериш усуллари, ишчи эритмалар турлари, қуритишда маҳсулот сифатига таъсир этувчи омиллар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Бақлажон таркибидаги қуруқ модда миқдори “Халқаро метрология ва сертификация” кенгаши томонидан қабул қилинган ИСО 2113-2013 ГОСТ бўйича, фаол кислота миқдори ГОСТ 26188-2016 бўйича, бақлажон таркибидаги нитрат миқдорини аниқлаш ГОСТ 34570-2019 бўйича, сабзавотларни қуритиш ГОСТ 13340.1-77 бўйича, бақлажонни қуритилгандан сўнг таркибидаги қолдиқ намликни аниқлаш ва органолептик кўрсаткичлари Е.П.Широков услуги бўйича амалга оширилган ва тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишончлилик оралиғи билан Б.А.Доспехов (1985) тавсия этган услуб бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор бақлажонни турли хил нав ва дурагайлари қуритиш ускунасида қуритилганда тайёр маҳсулот чиқиш миқдори 10 кг хомашёдан “Аврора” навида 0,95 кг, Анет F₁ дурагайида 0,97 кг, Барселона F₁ дурагайида 1,2 кг тайёр қуритилган маҳсулот олинishi аниқланган;

табиий шароит ва қуритиш ускунасида қуритилган турли хил ўлчамдаги бақлажон маҳсулотлари органолептик баҳоланганда тайёр маҳсулотларни

ташки кўриниши, ранги, мазаси, хушбўйлиги ва товарбоплик кўрсаткичлари бўйича Замин F₁ дурагайи, Пантера F₁ дурагайи ва Барселона F₁ юқори кўрсаткичга эга бўлган дурагайилари танлаб олинган;

қуритиш учун тайёрланган бақлажон бўлакларига K₂S₂O₅ калий мета-бисульфитнинг 2 % ишчи эритмасида ишлов берилиб, қуритилганда назоратга нисбатан 0,8-0,9 кг кўп маҳсулот олинди исботланган;

бақлажон хомашёсига K₂S₂O₅ калий мета-бисульфитнинг (2%) ишчи эритмасида ишлов берилганда қуруқ маҳсулот таркибидаги қолдиқ намлик стандартга мос равишда Сурхон гўзали навида 17,1 %, Анет F₁ да 17,7 %, Замин F₁ дурагайида 17,5 %, Пантера F₁ дурагайида 17,6 % бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бақлажоннинг турли хил нав ва дурагайлари қуритиш усулида бир хил вақт ва бир хил ҳароратда хомашёга ҳеч қандай ишлов берилмасдан бўлакларга бўлиб қуритилганда тайёр маҳсулот чиқиш миқдори 10 кг хомашёдан “Аврора” навида 0,95 кг, Анет F₁ дурагайида 0,97 кг, Барселона F₁ дурагайида 1,2 кг тайёр қуритилган маҳсулот олинган;

табиий шароит ва қуритиш усулида қуритилган турли хил ўлчамдаги бақлажон маҳсулотлари органолептик баҳоланганда тайёр маҳсулотларни ташқи кўриниши, ранги, мазаси, хушбўйлиги ва товарбоплик кўрсаткичлари бўйича Замин F₁ дурагайи, Пантера F₁ дурагайи ва Барселона F₁ дурагайиларида юқори кўрсаткич қайд этилган;

қуритиш учун тайёрланган бақлажон бўлакларига ишлов бермасдан ва турли K₂S₂O₅ калий метан-бисульфитни ишчи эритмасида ишлов берилган ҳолатда хомашё қуритилган, бунда концентрацияли K₂S₂O₅ калий метан-бисульфитнинг 2 % ли ишчи эритмасида ишлов берилиб, қуритилганда барча нав ва дурагайларда тайёр қуруқ маҳсулот чиқиш миқдори юқори натижа кўрсатган ва назоратга нисбатан тайёр қуруқ маҳсулот чиқиш миқдори 0,8-0,9 кг кўпроқ бўлиши аниқланган;

бақлажон хомашёсига K₂S₂O₅ калий метан-бисульфитнинг (2%) ишчи эритмасида ишлов берилганда қуруқ маҳсулот таркибидаги қолдиқ намлик стандартга мос равишда Сурхон гўзали навида 17,1 %, Анет F₁ да 17,7 %, Замин F₁ дурагайида 17,5 %, Пантера F₁ дурагайида 17,6 %, бўлган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала ва лаборатория тажрибаларининг апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, илмий-тадқиқотлар тўғрисидаги ҳисоботларни Тошкент давлат аграр университети илмий кенгашида муҳокама этилганлиги ва ижобий тақриз олинганлиги, тажриба маълумотларининг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, олинган илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тажриба натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилганлиги ҳамда маҳаллий ва хорижий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бақлажон хом-ашёсини қуритиш усуллари, қуритишда таъсир этувчи омиллар ва тайёр маҳсулот чиқиш кўрсаткичлари кўп омиллик тажрибаларда аниқланди ва қуруқ маҳсулот чиқиш миқдори нав ва

дурагайлараро курук маҳсулот чиқиш миқдори корреляцион боғлиқлигининг ($r=91$) илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қуритиш учун тайёрланган бақлажон бўлақларига ишлов бермасдан ва турли $K_2S_2O_5$ калий метан-бисульфитнинг ишчи эритмасида ишлов берилган ҳолатда хомашё қуритилди. Бунда концентрацияли $K_2S_2O_5$ калий метан-бисульфитнинг 2 % ли ишчи эритмасида ишлов бериб, қуритилганда барча нав ва дурагайларда тайёр курук маҳсулот чиқиш миқдори юқори натижа кўрсатган. Бунда назоратга нисбатан тайёр курук маҳсулот чиқиш миқдори 0,8-0,9 кг миқдорда кўп маҳсулот олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бақлажоннинг нав ва дурагайларини қуритишда тайёр маҳсулот чиқишига турли омиллар таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

бақлажоннинг нав ва дурагайлари хом-ашёсини қуритиш ишланмаси Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани ҳудудидаги “Файзулла боғбон” фермер хўжалиги ер майдонида етиштирилган бақлажоннинг Аврора нави ва Анет F₁ дурагайи ҳосилидан 4 тонна хомашё қуритиш учун тайёрланиб, ишлаб чиқаришга жорий этилган (Ўзбекистон Озиқ-овқат саноати уюшмасининг 18.03.2025 йил. 18-28/03-25 сонли маълумотномаси). Натижада, Аврора навидан 3 млн 700 минг сўм, Анет F₁ дурагайидан эса 3 млн 900 минг сўм соф фойда олинган. Рентабеллик даражаси эса Аврора навидан 63,7 %, Анет F₁ дурагайида эса 67,2 % ни ташкил этган.

Бақлажоннинг нав ва дурагайлари хомашёсини қуритиш ишланмаси Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани ҳудудидаги “Комилжон боғбон” фермер хўжалиги ер майдонида етиштирилган Аврора нави ва Анет F₁ дурагайи ва Барселона F₁ дурагайи ҳосилининг ҳар биридан 1 тоннадан жами 3 тонна хомашё қуритиш учун тайёрланиб, ишлаб чиқаришга жорий этилган (Ўзбекистон Озиқ-овқат саноати уюшмасининг 18.03.2025 йил. 8-28/03-25 сонли маълумотномаси). Натижада, Аврора навидан 925 минг сўм, Анет F₁ дурагайидан эса 975 минг сўм Барселона F₁ дурагайидан эса 1 млн 100 минг сўм соф фойда олишга эришилган. Рентабеллик даражаси эса Аврора навидан 63,7 %, Анет F₁ дурагайида 67,2 %, Барселона F₁ дурагайида эса 75,8 % ни ташкил этган.

Бақлажоннинг нав ва дурагайлари хом-ашёсини қуритиш ишланмаси Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани ҳудудидаги “Баҳромбек” фермер хўжалиги ер майдонида етиштирилган бақлажоннинг Аврора нави ва Анет F₁ дурагайи ҳосилидан 6 тонна хомашё қуритиш учун тайёрланиб, ишлаб чиқаришга жорий этилган (Ўзбекистон Озиқ-овқат саноати уюшмасининг 18.03.2025 йил. 18-28/03-25 сонли маълумотномаси). Натижада, Аврора навидан 2 млн 775 минг сўм, Барселона F₁ дурагайидан эса 3 млн 300 минг сўм соф фойда олинган. Рентабеллик даражаси эса Аврора навидан 63,7 %, Барселона F₁ дурагайидан 75,8 % ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари Тошкент давлат аграр университетиде ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 4 та халқаро ва 3 та

республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 илмий иш чоп этилган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та (жумладан 1 таси хорижий), илмий-амалий конференцияларда 7 та (жумладан 4 таси халқаро) тезис чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзу ва олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ҳамда муҳимлиги илмий асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари баён этилган, Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги ифодаланган, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Бақлажон етиштириш ва қуритишнинг техник шартлари ва технологияси (адабиётлар шарҳи)** деб номланган биринчи бобида бақлажонни агробиологик хусусиятлари, уни дунё бўйича тарқалиш ареаллари, республикамизда тарқалган навлари, ўсиш шароитлари тўғрисида хориж ва маҳаллий адабиётлар маълумотлари таҳлил қилинган. Адабиёт манбаи маълумотлари бақлажонни етиштириш ва меваларининг қуритиш технологиялари юзасидан адабиётлар маълумотлари келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотни ўтказилган жойнинг тавсифи, объекти ва услублари”** деб номланган иккинчи бобининг биринчи бўлими тадқиқотлар ўтказилган ҳудудларнинг жойлашган ўрни ва иқлим шароитлари тавсифи деб номланиб, тажрибалар олиб борилган жойнинг тупроқ иқлим шароитлари, тавсифлари, ўтказиш шароитлари, объекти ва услублари келтирилган. Ушбу бобнинг **“Тадқиқот объекти ва услублари”** бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказилиш услублари, дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш схемалари, тажрибаларда қўлланилган кузатувлар ва ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, шунингдек, тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг **Бақлажонни турли-хил навларини тургор ҳолатда ва қуритиш ускунасида қуритилгандан маҳсулот таркибидаги қолдиқ намлик ҳамда тайёр маҳсулот чиқиш миқдорини аниқлаш**, деб номланган учунчи бобининг биринчи бўлими деб номланиб, ушбу бўлимда бақлажоннинг турли нав ва дурагайларини янги пишиб этилган муддатда йиғиб-териб олингандан сўнг тажрибаларимизда ўрганилаётган бақлажоннинг нав ва дурагайлари дала ва лаборатория шароитида хомашё таркибидаги мавжуд сув

микдори фоизда ва умумий қуруқ микдори нав ва дурагайлараро таққосланиб, таҳлил этилди. Айтиш жоизки, ушбу бақлажоннинг нав ва дурагайлари ўзининг хўжалик белгилари ва турли хусусиятлари бўйича бир-биридан фарқланиш кўрсаткичлари тажрибаларимизда аниқланган.

Бунга кўра турли нав ва дурагайлардан олинган намуналар влогамер ускунасининг махсус алюмин идишга жойланиб, ускунанинг қопқоғи ёпилади. Ускунанинг ишлаш давомийлиги унга қўйилган намуна таркибидаги мавжуд сув микдори тўлиқ буғланиб кетгунча бўлган вақт давомида қиздириш давом этади. Тажрибада ҳар бир олинган намуналарда яъни нав ва дурагайлардан келиб чиқиб, бу жараён турлича вақтни ўз ичига олганлиги аниқланди. Бунда энга кам вақт талаб этилган намунада Сурхон гўзали нави билан Замин F₁ дурагайида 4-9-5,6 дақиқа давом этган бўлса, энга кўп вақт давом этган жараён 8-10 дақиқа давом этиб, бунда Анет F₁ билан Барселона F₁ дурагайида бўлаганлиги кузатилди (1-жадвал).

1-жадвал

Бақлажон нави ва дурагайлари тургор (свежий) ва тайёр қуритилган маҳсулот таркибидаги сув ва қуруқ моддалар микдорининг қиёсий таҳлили (2022-2024)

№	Бақлажоннинг нав ва дурагайлари	Қуритишдан олдин бақлажон таркибидаги сув микдори, %	Қуритилгандан сўнг тайёр маҳсулот таркибидаги қолдиқ сув микдори, %	Қуритишдан олдин бақлажон таркибидаги қуруқ модда микдори, %	Қуритишдан олдин хомашё вазни, кг	Қуритилгандан сўнг тайёр маҳсулот вазни, кг
1	Аврора	88,9	14,5	4,9	10	0,95
2	Сурхон гўзали	87,8	14,1	4,7	10	0,86
3	Анет F ₁	89,1	14,9	5,2	10	0,97
4	Замин F ₁	88,6	13,8	5,0	10	0,91
5	Пантера F ₁	88,8	14,7	5,1	10	0,88
6	Барселона F ₁	89,2	16,2	4,8	10	1,2

Тажрибалар шуни кўрсатдики, бақлажон хомашёсини нав ва дурагайларида олинган намуналар таҳлиliga кўра ушбу кўрсаткичлар Аврора навида 88,9 %, Сурхон гўзали навида 87,8 %, Анет F₁ да 89,1 %, Замин F₁ дурагайида 88,6 %, Пантера F₁ дурагайида 88,8 %, Барселона F₁ дурагайида 89,2 % умумий таркибидаги сув микдори мавжудлиги аниқланди.

Диссертациянинг табиий шароитда қуритиш ускунасида қуритилган турли-хил ўлчамдаги бақлажон маҳсулотларини сифат кўрсаткичларини баҳолаш, деб номланган 3-бобнинг 2-бўлимида бақлажонни турли усулларда, ҳар хил ўлчамларда қуритишга тайёрланиб, махсус қуритиш ускунасида қуритиш бўйича тажрибалар олиб борилди. Тажрибадан олинган натижаларга асосланиб, маҳсулотларни сифат кўрсаткичлари таҳлил этилди. Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар, яъни қуритилган маҳсулотларни сифат кўрсаткичлари турли белги ва хусусиятлари бўйича таҳлил этилди.


Тажрибаларимизда бақлажоннинг нав ва дурагайлари хомашёсини доира шаклда қобиғидан ажратилмаган ҳолда қуритиш, ўлчами 0,4-0,5 мм (назорат)

белгиланиб, намуналар олинди, доира шаклда қобиғидан ажратилган ҳолда қуритиш, ўлчами 0,4-0,5 мм намуналар олинди. Дастлаб тажрибаларимизда бақлажоннинг нав ва дурагайлари хомашёсини доира шаклда қобиғидан ажратилмаган ҳолда қуритиш, ўлчами, 0,4-0,5 мм (назорат) белгиланиб, намуналар олинди, доира шаклда қобиғидан ажратилган ҳолда қуритиш, ўлчами, 0,4-0,5 мм намуналар олинди, табиий шароитда қуритиш ускунасида қуритилиб, ушбу техник шартларга асосан улардан олинган қуритилган тайёр маҳсулот чиқиш кўрсаткичлари ва тайёр маҳсулотнинг турли сифат кўрсаткичлари таҳлил этилди (2-жадвал).

2-жадвал

Табиий шароитда қуритиш ускунасида қуритилган турли хил ўлчамдаги бақлажон маҳсулотларини сифат кўрсаткичларини баҳолаш (2022-2024 й.й).

№	Бақлажоннинг нав ва дурагайлари	Доира шаклда қобиғидан ажратилмаган ҳолда қуритиш, ўлчами, 0,4-0,5 мм (назорат)		Ташқи кўриниши, балл	Ранги, балл	Мазаси, балл	Хушбўйлиги, балл	Товороблиги, балл	Доира шаклда қобиғидан ажратилган ҳолда қуритиш, ўлчами, 0,4-0,5 мм		Ташқи кўриниши, балл	Ранги, балл	Мазаси, балл	Хушбўйлиги, балл	Товороблиги, балл
		хомашё, кг	қуруқ маҳсулот, кг						хомашё, кг	қуруқ маҳсулот, кг					
1	Аврора	10	0,88	3	3	4	3	4	10	0,82	4	4	4	4	5
2	Сурхон гўзали	10	0,81	3	3	4	3	3	10	0,78	4	4	4	4	4
3	Анет F1	10	0,87	3	3	3	4	3	10	0,83	3	3	3	5	3
4	Замин F1	10	0,83	4	4	5	3	4	10	0,79	5	5	4	4	5
5	Пантера F1	10	0,82	4	4	5	3	4	10	0,77	4	5	5	4	4
6	Барселона F1	10	0,89	5	4	4	4	4	10	0,85	5	5	4	4	5



а)



б)

1-расм. Бақлажон хомашёсини қуритиш жараёни

а) ускунага жойлаштирилган ҳолати, б) тайёр қуритилган маҳсулот ҳолати

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, тайёр маҳсулотларни чиқиш миқдори Аврора навида 0,88 кг, Сурхон гўзали навида 0,81 кг, Анет F₁ да 87 кг, Замин F₁, дурагайида 0,83 кг, Пантера F₁, дурагайида 0,82 кг, Барселона F₁ дурагайида эса 0,89 кг қуритилган тайёр маҳсулот чиқиши тажрибаларимиз давомида кузатилди. Тадқиқотларимиз давомида бақлажон нави ва дурагайлари доира шаклда қобиғидан ажратиб қуритиш, ўлчами, 0,4-0,5 мм ҳар бир нав ва дурагайдан 10 кг дан намуналар олиниб қуритиш ускунасида қуритилди. Хомашё 38-40 соат давомида қуритилгандан сўнг қуритилган тайёр маҳсулот чиқиши нав ва дурагайлар аро таққосланганда турлича кўрсаткичда бўлди.

Бунда Аврора навида 0,82 кг, Сурхон гўзали навида 0,78 кг, Анет F₁ да 0,83 кг, Замин F₁, дурагайида 0,79 кг, Пантера F₁, дурагайида 0,77 кг, Барселона F₁ дурагайида эса 0,85 кг қуритилган тайёр маҳсулот олинди (1-расм).

Бақлажон хом-ашёсини қобиғидан ажратмасдан 0,4-0,5 мм ўлчамда қуритилганда товарлилик ҳолати ушбу расмда келтириб ўтилганидек ҳолатда бўлганлиги кузатилди. Хомашёни қуритиш муддати уларнинг турли ўлчамларда қирқиб тайёрлашга ва қуритиш усулига боғлиқ равшда уларнинг қуриш давомийлиги кузатилади.

3-жадвал

Бақлажонининг турли нав ва дурагайлари мевасини вертикал ҳолатда 4 бўлакка бўлиб, очик ҳавода ва қуритиш ускунасида қуритилганда тайёр маҳсулот чиқиши кўрсаткичлари (2022-2024 й.й).

Бақлажон мевасини вертикал ҳолатда 4 бўлакка бўлиб қуритиш, (қобиғи билан), (назорат)									
Т/р	бақлажон-нинг нав ва дурагайлари	очик ҳавода (офтобда)				қуритиш ускунасида			
		хомашё вазни, кг	тайёр маҳсулот чикими, кг	қуритилган маҳсулот таркибидаги намлик, %	қуритиш давомийлиги, соат	хомашё вазни, кг	тайёр маҳсулот чикими, кг	қуритилган маҳсулот таркибидаги намлик, %	қуритиш давомийлиги, соат
1	Аврора	10	0,92	17,5	72-74	10	0,81	14,8	38-40
2	Сурхон гўзали	10	0,81	17,1	72-74	10	0,76	14,6	38-40
3	Анет F ₁	10	0,94	16,9	72-74	10	0,82	14,9	38-40
4	Замин F ₁	10	0,91	16,8	72-74	10	0,84	13,9	38-40
5	Пантера F ₁	10	0,75	16,7	72-74	10	0,75	14,7	38-40
6	Барселона F ₁	10	1,0	17,2	72-74	10	0,95	16,1	38-40
	ЭКФ ₀₅			0,4					
	S _x =			0,12					
бақлажон мевасини вертикал ҳолатда 4 бўлакка бўлиб қуритиш (қобиғидан ажратиб)									
1	Аврора	10	0,78	16,4	72-74	10	0,76	13,6	38-40
2	Сурхон гўзали	10	0,75	16,2	72-74	10	0,68	12,8	38-40
3	Анет F ₁	10	0,73	16,1	72-74	10	0,77	14,1	38-40
4	Замин F ₁	10	0,77	16,2	72-74	10	0,75	13,2	38-40
5	Пантера F ₁	10	0,73	16,1	72-74	10	0,67	14,2	38-40
6	Барселона F ₁	10	0,81	16,8	72-74	10	0,79	15,2	38-40
	ЭКФ ₀₅			0,5					
	S _x =			0,15					

Диссертациянинг қуритиш ускунасида турли хил ўлчамда қуритилган бақлажон маҳсулотларини қиёси таҳлил этиш, деб номланган 3 бобнинг 3 бўлимида бақлажон хомашёсини қуритиш ускунасида турли хил ўлчамларда тайёрланиб қуритиш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Қуритиш жараёнида кўп омилли тажрибалардан фойдаланилиб, ҳар-хил сифат кўрсаткичларига эга тайёр маҳсулотлар олишга эришилди. Айтиш жоизки бақлажон хомашёси турли ўлчамларда ва мева қобиғи билан ҳамда мева қобиғи ажратиб олиниб қуритилганда тайёр маҳсулот чиқиш миқдорининг кўрсаткичлари ва бақлажон нави ҳамда дурагайлариининг қуритилган маҳсулотлари қиёси таҳлил этилди (3-жадвал).

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики қуритишга тайёрланган бақлажон хомашёсини турли ўлчамларда қуритишда бир хил ҳарорат ва шароитда амлага оширилди. Бунда турли ўлчамларда қирқиб олинган бақлажон хомашёсининг бўлаклари қуритиш ускунасининг ҳар бир саватига 5 кг бир қават қилиб ёйилиб қуритишга қўйилиб тажриба кузатувлари олиб борилди. Кузатишлар шуни кўрсатдики бақлажон хомашёсини қуритишда офтобда ва қуритиш ускунасида (қуёш панели) хомашёни турли ўлчамларда тайёрлаб қуритишда ҳарорат бир хилда бўлганда хомашёнинг ўлчамларига мос равишда уларнинг қуриш давомийлиги, сифати ва бошқа кўрсаткичлари бир биридан фарқланиши тажрибаларимизда аниқланди.

Диссертациянинг **Қуритиш учун тайёрланган бақлажон бўлакларига турли концентрацияли $K_2S_2O_5$ калий метаби сулфит билан ишлов берилганда тайёр қуритилган маҳсулот чиқишини аниқлаш** деб номланган 4-бобнинг 1-бўлимида бақлажоннинг нав ва дурагайлариининг хомашёлари турли $K_2S_2O_5$ калий мета-бисулфитнинг турли концентрацияли ишчи эритмасида ишлов берилганда тайёр маҳсулот чиқиш кўрсаткичлари маҳсулотнинг турли сифат кўрсаткичлари таққосланиб, таҳлил этилди. Бақлажон хомашёларини қуритишга тайёрлашда дастлаб бир хил ўлчамдаги бақлажон мевалари танлаб сараланиб олинди. Ҳар бир нав ва дурагайлар меваларидан 10 кг дан хомашёнамуналар олиниб, дастлабки ишлов бериш жараёни олиб борилди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики намуналарга дастлабки ишлов берилгандан сўнг тайёр бақлажон бўлакларини 2 соат давомида оддий сувга ва $K_2S_2O_5$ калий мета-бисулфитнинг турли 1,2,3 % концентрацияли ишчи эритмасида ишлов берилиб қуритиш ускунасининг саватларига фергамент қоғоз тўшалиб ҳар бир саватга 10 кг соф ҳолатда тайёр бўлақларга бўлинган бақлажон бўлаклари ёйилиб қуритиш ускунасига жойлаштирилди.

Тажрибаларимизда назорат сифатида бақлажоннинг нав ва дурагайлариининг олинган намуналарга, яъни хомашёга ҳеч қандай ишлов бермасдан қуритилганда қуйидаги натижалар кузатилди. Бунда бақлажоннинг турли нав ва дурагайларида қуруқ маҳсулот чиқиш кўрсаткичлари турлача бўлиб, Аврора навида 0,82 кг, Сурхон гўзали навида 0,81кг, Анет F_1 да 0,89 кг, Замин F_1 дурагайида 0,83 кг, Пантера F_1 дурагайида 0,80 кг, Барселона F_1 дурагайида эса 0,86 кг тайёр қуритилган маҳсулот олинганлиги тажрибаларимизда аниқланди (4-жадвал).

Жадвал маълумотларида қайд этилганидек хомашёга $K_2S_2O_5$ калий мета-

бисульфитнинг (1%) ишчи эритмасида ишлов бериб бақлажоннинг нав ва дурагайларида олинган намуналар қуритилганда тайёр қуруқ маҳсулот чиқиш кўрсаткичлари қуйидагича бўлди. Ушбу тажрибада бақлажоннинг турли нав ва дурагайларида қуруқ маҳсулот чиқиш кўрсаткичлари турлача бўлиб Аврора навида 0,88 кг, Сурхон гўзали навида 0,85 кг, Анет F₁ да 0,92 кг, Замин F₁ дурагайида 0,88 кг, Пантера F₁ дурагайида 0,84 кг, Барселона F₁ дурагайида эса 0,89 кг тайёр қуритилган маҳсулот олинганлиги кузатилди.

4-жадвал

Бақлажонининг турли нав ва дурагайлари хомашёсига турли концентрацияли K₂S₂O₅ калий мета-бисульфит ишчи эритмасида ишлов берилганда тайёр қуритилган маҳсулот чиқиш кўрсаткичлари (2022-2024 й.й).


№	Бақлажоннинг нав ва дурагайлари	Ҳеч қандай ишлов бермасдан (назорат)		K ₂ S ₂ O ₅ калий мета-бисульфит ишчи эритма (1%)		K ₂ S ₂ O ₅ калий мета-бисульфит ишчи эритма (2%)		K ₂ S ₂ O ₅ калий мета-бисульфит ишчи эритма (3%)	
		хом-ашё, кг	қуруқ маҳсулот кг	хом-ашё, кг	қуруқ маҳсулот кг	хом-ашё, кг	қуруқ маҳсулот кг	хом-ашё, кг	қуруқ маҳсулот кг
1	Аврора	10	0,82	10	0,88	10	0,91	10	0,92
2	Сурхон гўзали	10	0,81	10	0,85	10	0,89	10	0,89
3	Анет F ₁	10	0,89	10	0,92	10	0,96	10	0,97
4	Замин F ₁	10	0,83	10	0,88	10	0,88	10	0,89
5	Пантера F ₁	10	0,80	10	0,84	10	0,87	10	0,90
6	Барселона F ₁	10	0,86	10	0,89	10	0,92	10	0,93

Диссертациянинг Бақлажонинг турли ўлчамларда қуритилган тайёр маҳсулотларини таркибидаги қолдиқ намлик миқдорини аниқлаш, деб номланган 4 бобнинг 2 бўлимида бақлажоннинг нав ва дурагайлари хомашёсига ҳеч қандай ишлов берилмаган қуруқ маҳсулотлари таркибидаги қолдиқ намлик қуйидагича бўлди. Бунда Аврора навида 17,8 %, Сурхон гўзали навида 17,5 %, Анет F₁ да 18,2 %, Замин F₁ дурагайида 18,3 %, Пантера F₁ дурагайида 18,5 %, Барселона F₁ дурагайида эса 18,6 % қуритилган маҳсулот таркибида қолдиқ намлик мавжудлиги аниқланди. Ушбу тажрибада K₂S₂O₅ калий мета-бисульфитнинг (1 %) ишчи эритмасида ишлов берилганда тайёр қуритилган маҳсулот таркибидаги қолдиқ намлик миқдори қуйидагича бўлганлиги кузатилди. Айтиш жоизки, тажрибалардан олинган натижалар таққосланганда ўрганилаётган нав ва дурагайлар аро турлача бўлганлиги кузатилди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики Аврора навида 17,7 %, Сурхон гўзали навида 17,5 %, Анет F₁ да 18,1 %, Замин F₁ дурагайида 18,2 %, Пантера F₁ дурагайида 18,4 %, Барселона F₁ дурагайида эса 18,4 % қолдиқ намлик аниқланди (2-расм).

Тадқиқотларимизда бақлажон хомашёсига K₂S₂O₅ калий мета-

бисульфитнинг (2%) ишчи эритмасида ишлов берилган р маҳсулот таркибидаги қолдиқ намлик куйидагича бўлди. Бунда Аврора навида 16,8%, Сурхон гўзали навида 17,1 %, Анет F₁ да 17,7 %, Замин F₁ дурагайида 17,5 %, Пантера F₁ дурагайида 17,6 %, Барселона F₁ дурагайида эса 18,6 % қолдиқ намлик кузатилди.

Тадқиқотларимизда бақлажон хомашёсига K₂S₂O₅ калий мета-бисульфитнинг (3%) ли ишчи эритмасида ишлов берилганда Аврора навида 17,9%, Сурхон гўзали навида 17,8%, Анет F₁ да 18,9%, Замин F₁ дурагайида 18,6 %, Пантера F₁ дурагайида 18,6%, Барселона F₁ дурагайида эса 18,8% тайёр қуритилган маҳсулот таркибида қолдиқ намлик мавжудлиги аниқланди.



2-расм. Бақлажоннинг нав ва дурагайлари хомашёсидан олинган тайёр қуритилган маҳсулотлар таркибидаги қолдиқ намлик кўрсаткичлари %

Диссертациянинг Бақлажон қуритишнинг иқтисодий самардорлигини аниқлаш, деб номланган 4-бобнинг 3-бўлимида бақлажон хомашёсини қуритиш ва уларни иқтисодий самардорлигини таҳлил этишда маҳсулотларнинг қуриш муддати (товар навлари бўйича сифат кўрсаткичлари), қуритиш шароитлари, қуритиш харажатлари, тайёр қуритилган маҳсулот таннархи ва маҳсулотни сотиш баҳоси юзасидан мутахассислар билан биргаликда иқтисодий ҳисоб-китоблар олиб борилди.

ХУЛОСАЛАР

1. Бақлажон хомашёсини қуритишда ундан сифатли қуритилган маҳсулот олишда уларни қисқа муддатда қуритиш учун қулай шароит яратиш талаб этилади. Асосан, бақлажон хомашёсини қуритишда офтобда бир қават қилиб ёйиб қуритилганда маҳсулот сифати ортади. Бу шароитда сифатли маҳсулот

олиш учун қуритиш пунктларини тўғри танлаш ва техник шартларни ва талабларни тўғри амалага ошириш зарур бўлади.

2. Қуритиш ускунасида қуритилган бақлажоннинг нав ва дурагайлариининг тайёр қуритилган маҳсулотлари таркибидаги қолдиқ намлик миқдори таҳлил этилган. Бунда Аврора навида 17,5%, Сурхон гўзали навида 17,1%, Анет F₁ да 16,9%, Замин F₁ дурагайида 16,8%, Пантера F₁ дурагайида 16,7% Барселона F₁ дурагайида эса 17,2% қуруқ маҳсулот таркибида қолдиқ намлик мавжудлиги кузатилган. Айтиш жоизки, қуритилган маҳсулотлар таркибидаги қолдиқ намлик миқдори стандарт талабларига мос келиши талаб этилади.

3. Бақлажон мевасини вертикал ҳолатда 4 бўлакка бўлиб, қобиғидан ажратиб қуритишда, очиқ ҳавода (назорат) қуритилганда бақлажоннинг нав ва дурагайлари орасида турлича тафовутлар бўлганлиги аниқланиб, асосан очиқ ҳавода ва қуритиш ускунасида бир хил вақт давомида қобиғи ажратилган бақлажон хомашёси қуритилди ва тайёр маҳсулот чиқиши турлича кўрсаткичда бўлган. Бунда тайёр маҳсулот чиқиш кўрсаткичлари қуритиш усулига боғлиқ бўлди.

4. Бақлажоннинг нав ва дурагайлариининг хомашёси доира шаклда 0,4-0,5 см ўлчамда бўлақларга бўлиниб, қобиғи билан қуритишда жараён очиқ ҳавода амалга оширилганда тайёр маҳсулот чиқиши, қуритилган маҳсулот таркибидаги қолдиқ намлик миқдори нав ва дурагайлари турлича бўлган. Бунда бақлажоннинг нав ва дурагайлари хомашёсини қуритишда доира шаклда 0,4-0,5 см ўлчамда бўлақларга бўлиб қобиғидан ажратиб, қуритиш ускунасида қуритилганда тайёр маҳсулот чиқиши кўрсаткичлари турлича бўлиб, Аврора навида 0,78 кг, Анет F₁ 0,80 кг, Замин F₁ дурагайида 0,79 кг, Барселона F₁ 0,86 кг миқдорда тайёр қуритилган маҳсулот олинган.

5. Бақлажон хомашёсига K₂S₂O₅ калий мета-бисульфитнинг (2%) ишчи эритмасида ишлов берилганда, тайёр қуруқ маҳсулот чиқиш кўрсаткичлари ижобий натижа кўрсатди. Бақлажоннинг турли нав ва дурагайларида қуруқ маҳсулот чиқиш кўрсаткичлари Аврора навида 0,91 кг, Сурхон гўзали навида 0,89 кг, Анет F₁ да 0,96 кг, Замин F₁ дурагайида 0,88 кг, Пантера F₁ дурагайида 0,87 кг, Барселона F₁ дурагайида эса 0,92 кг тайёр қуритилган тайёр маҳсулот олишга эришилган.

6. Бақлажон хомашёсига K₂S₂O₅ калий мета-бисульфитнинг (2%) ишчи эритмасида ишлов берилган қуруқ маҳсулот таркибидаги қолдиқ намлик қуйидагича бўлди. Бунда Аврора навида 16,8 %, Сурхон гўзали навида 17,1 %, Анет F₁ да 17,7 %, Замин F₁ дурагайида 17,5 %, Пантера F₁ дурагайида 17,6 %, Барселона F₁ дурагайида эса 18,6 % қолдиқ намлик кузатилган. Айтиш жоизки, бақлажон хомашёсига K₂S₂O₅ калий мета-бисульфитнинг (2%) ишчи эритмасида ишлов берилганда ижобий натижа кўрсатди.

7. Бақлажон хомашёсини қуритишдан олинган соф фойда эса бақлажоннинг нав ва дурагайлари ўртасида таққосланганда қуйидаги самарадорлик кузатилди. Бунда Аврора навида 925 минг сўм, Сурхон гўзали навида 700 минг сўм, Анет F₁ да 975 минг сўм, Замин F₁ дурагайида 825 минг сўм, Пантера F₁ дурагайида 750 минг сўм, Барселона F₁ дурагайида эса 1млн 100 минг сўм, соф фойда олишга эришилди. Бунда бақлажон хомашёсини

қуритишдан олинган рентабеллик даражаси Аврора навида 63,7 %, Сурхон гўзали навида 48,2 %, Анет F₁ дарагайида 67,2 %, Замин F₁ дурагайида 56,8 сўм, Пантера F₁ дурагайида 51,7 %, Барселона F₁ дурагайида эса 75,8 % рентабеллик кузатилган.

Ишлаб чиқаришда сифатли қуритилган бақлажон маҳсулотларини олишда унинг нав ва дурагайларида Аврора нави, Анет F₁ дурагайи ва Барселона F₁ дурагайлари қуритиш тавсия этилади.

Бақлажон хомашёсини қуритишда K₂S₂O₅ калий мета-бисульфитнинг (2%) ли ишчи эритмасида ишлов берилганда юқори сифатли тайёр қуритилган маҳсулот олиш имкони мавжуд бўлиб, ушбу эритмадан фойдаланиш тавсия этилади.

Шунингдек, ишлаб чиқаришда сифатли қуритилган бақлажон маҳсулотлари олиш учун қуёш панелли махсус қуритгич ускунасида қуритиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АХМЕДОВ ШУХРАТ КУРВОНДУРДИЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ СУШКИ БАКЛАЖАНОВ
(*Solanum melongena* L.) РАЗНЫМИ СПОСОБАМИ**

06.01.11 – Хранение и переработка сельскохозяйственной продукции

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за номером В2023.3.PhD/Qx763.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель:	Исламов Сахиб Ясobbekович, доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Муминов Нажмиддин Шамсиддинович, доктор технических наук, профессор Усманова Камола Абдужаббаровна, доктор философии по сельскохозяйственным наукам
Ведущая организация:	Бухарский государственный технический университет

Защита диссертации доктора философии (PhD) состоится в 13 мая 2025 года в 16:00 часов на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (99871) 260-48-00, факс: (99871) 260-38-60, e-mail: tdag-info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, конференц. зал).

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за номером 552728). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (99871) 260-48-00, факс: (99871) 260-38-60, e-mail: tdag-info@edu.uz).

Автореферат диссертации разослан 28 апреля 2025 года.
(реестр протокола рассылки № 14 от 8 апреля 2025 года).




Ш.Н. Асатов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор


М.З. Холмуратов
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.с.х.н., доцент.


С.А. Юнусов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. На сегодняшний день объёмы выращивания, переработки, сушки и экспорта баклажанов - одного из видов овощных культур с каждым годом увеличиваются. В настоящее время его в больших количествах выращивают в Китае, Индии, Японии и многих странах Средиземноморья. «По данным ФАО, баклажаны являются важным овощем в азиатском регионе, на его долю приходится более 86% мирового производства. Страны Африки и Европы имеют почти равные доли этого показателя, на каждую из них приходится около 6% мировых поставок»¹. Стоит отметить, что лидером по выращиванию баклажанов является Китай, на долю которого приходится около 60 процентов мирового выращивания баклажанов.

В последние годы в мире большое внимание уделяется безопасности пищевых продуктов. Поэтому уделяется внимание расширению ассортимента многих видов овощей, повышению производительности, качественной сушке и упаковке продукции. Баклажан занимает свое место среди овощей, и интерес к нему растет во многих странах мира. Поэтому одной из важных задач является создание высокоурожайных сортов и гибридов этого вида овощей, сохраняющих витамины и минеральные вещества даже при сушке и обработке, а также совершенствование инновационных способов сушки. В настоящее время в мире проводятся научные исследования и исследования по сушке баклажанов, промышленной переработке сушеных продуктов, широкому использованию естественных и искусственных способов сушки овощей, разработке инновационных способов сушки и внедрению в производство. Уделяется внимание научным исследованиям, направленным на выращивание этого ценного вида овощей в почвенно-климатических условиях нашей республики и повышение потенциала сушки, упаковки и экспорта.

В республике особое внимание уделяется повышению уровня жизни населения, систематическому налаживанию здорового питания, а также полному удовлетворению спроса населения на сушеную овощную продукцию, дальнейшему увеличению экспортного потенциала овощной продукции. В разделе 3.30 стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, направленной на интенсивное развитие национальной экономики и обеспечение высоких темпов роста, выделены вопросы «Интенсивного научно обоснованного развития сельского хозяйства с целью удвоения доходов фермеров и крестьян, а также достижения ежегодного роста сельского хозяйства не менее 5%»³. Научные исследования, направленные на выращивание этого ценного вида овощной культуры в почвенно-климатических условиях нашей республики, повышение его сушки, упаковки и экспортного потенциала в высококачественном товарном виде, имеют актуальное значение.

¹ <http://fao.org>

² Указ Президента Республики Узбекистан, от 28.01.2022 г. № УП-60 “ О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы”

Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2020 года № УП-4575 «Меры по реализации задач, определённых в Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 12 октября 2022 года № 587 «Дополнительные меры по обеспечению потребности населения и социальных учреждений в основных сельскохозяйственных продуктах в зимне-весенний период 2022-2023 годов», а также другие нормативно-правовые акты, обозначающие задачи, направленные на их реализацию, в определённой степени поддерживаются настоящим исследованием.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

